



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Хамрақулов Жаҳонгир Бахтиёрович

Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАЛАБАЛАРИДА ЭКОЭТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИГА ҚЎЙИЛИДИГАН ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАР

Аннотация

Мақолада экоэтика, экоэтик билимлар, экоэтик компетентлик тушунчаси, унинг мазмуни, аҳолининг табиатдан оқилона фойдаланиш жараёнида экоэтик билимларнинг намоён бўлиш шакллари, уни ёшлар, хусусан олий таълим тизими талабаларидан шакллантиришнинг педагогик тизими, хусусиятлари, дидактик таъминоти тадқиқ қилинган.

Калит сўз ва иборалар: таълим, олий таълим, талаба, табиат, экология, экоэтика, экоэтик билим, экоэтик компетентлик, экологик онг, экологик маданият.

Олий ўқув юртлари талабаларида экоэтик компетентликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш жараёни бугунги кунда педагогика фанлари олдидаги долзарб вазифа ҳисобланади. Олий ўқув юрти битирувчиси умумий ва хусусий тартибдаги экологик билим бўйича жиддий негизларга, экология билан боғлиқ асосий дунёқараш принципларини ўзлаштиради, бу йўналишда мустақил ишлаш кўникмаларига эга бўлади, холос. Шахс маданиятининг этноэкологик таркиби инсоннинг бутун ҳаёти давомида ривожланиб боради. Унинг ривожланишининг асосий соҳаси инсоннинг меҳнат ва турмуш муносабатларидир.

Олий малакали мутахассис экоэтик фикрлаш услубига эга бўлиши лозим. Бу, унинг ўз ижодий куч-ғайратини:

➤ ўз ижодий ишлари объектини атроф муҳит билан экологик алоқада кўриш;



- ўз иши яқин орада ва анча кейин келтириши мумкин бўлган экологик оқибатларни аниқ кузатиш;
- ўзининг таъсир объектларини экологик вазиятни яхшилайдиган ёки, ҳеч бўлмаганда, атроф муҳитга етказиладиган зарарни энг кам даражага туширадиган тарзда ўзгартириш сингари қоидаларга бўйсундириш лозимлигини билдиради.

Бу қоидалар иш натижаларига қўйилган шунчаки техник талаб бўлиб қолмаслиги лозим. Улар мутахассис учун нооқилона иш тутишни тақиқловчи дунёқараш йўл-йўриқларига ҳамда ахлоқий нормаларга айланиши керак. Бунда биринчидан, жамият олий маълумотли мутахассисни тайёрлаб, юқори малакали профессионалга эга бўлишгагина эмас, балки жамият умуммаданиятини, шу жумладан тизим сифатидаги умуминсоний маданиятнинг энг муҳим жиҳати – экоэтик билимларни ҳам юқори даражада эгаллаган шахсга эга бўлишга ҳам умид боғлайди. Зеро, ҳар қандай жамиятда шахс ирсий қобилятига, рефлексив имкониятига асосланувчи ижтимоий-биологик индивидуалликни, табиий қобилятларини назарий билим, амалий кўникма, маҳоратга айлантиришда тизимли таълим-тарбия олиб бориш ўта муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, экологик таълим ва тарбия фаолияти, унинг объекти инсон ботинидаги табиий ва ижтимоий алоқалар тизими [1;31-33], яъни унинг ички маънавий экологик дунёсини шакллантиришдир. Шу маънода экологик таълим ва тарбия тизими экологик инкирозларнинг туб сабабларини жамиятнинг техник-технологик ривожланишида эмас, балки шахс маънавий инкирози билан боғлиқлигини кўрсатишдан иборат.

Иккинчидан, олий ўқув юртида экологик муаммога ҳам йўналтирилиши лозим бўлган умумдунёқараш тайёргарлигига асосий ўрин ажратилиши лозим. Олий ўқув юртлари дастурлари дунёни ва экология предметини яхлит, тизимли кўришни, мустақил экологик фикрлаш услубини, экологик дунёқарашни ҳамда дунёни ҳис этишни шакллантиришга йўналтирилиши ҳамда талабаларнинг бўлажак касб-кори билан боғлиқ ўзига хос экологик тайёргарликни таъминлаши зарур.

Учинчидан, экология муаммоларини тизимли кўришни шакллантириш вазифасини умумтаълим фанлари, шунингдек гуманитар ва жамиятшунослик фанлари ўз зиммасига олиши лозим. Чунки экоэтик билимларни шакллантириш барча табиий ва ижтимоий ходисаларнинг узвий алоқасини тўлароқ очиб бериш учун улкан имкониятга эга.

Тўртинчидан, махсус фанларга экологик муаммоларни бевосита сингдириш мақсадида уларга қўшимча вақт ажратиш лозим. Бундай ёндашув, айниқса, техника фанларининг экология билан узвий алоқасини тўлароқ кўрсатиш ҳамда экологик билим ва кўникмаларни касбий малаканинг бир қисмига айлантириш имконини беради.

Республикамизда ҳали-ҳануз халқаро тоифадаги экологик таълимга йўналтирилган олий ўқув юрти мавжуд эмаслиги, бу борадаги фаол таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга муайян даражада тўсқинлик қилмоқда, деб айтишга тўла асосимиз бор. Чунки, ана шу таълим йўналиши жамланмаганлиги, профессионал экологлар, табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни ҳимоя қилишга ихтисослашган иқтисодчилар, аудиторлар, менежерлар каби юксак илмий салоҳиятга эга бўлган кадрларни дунё андозаларига мос тарзда тайёрлашга изн бермаётганлиги ҳам маълум.



Бу эса ўз навбатида экологик вазиятни прогноз қилиш, экологик лойиҳалаш ва уларни экспертизадан ўтказиш ишларининг сифат даражасига ҳам салбий таъсир этмокда.

Шу билан бирга экологияга йўналтирилган мутахассис педагог кадрларни тайёрлаш, экологик билимдон мутахассисларни республика иқтисодиётини турли тармоқларига етказиб бериш ҳам талаб даражасида эмас. Ҳозирга қадар бу каби мутахассислар, олий ўқув юртларидаги табиий-география, химия, биология, ҳамда экология профилига алоқадор бошқа факультетларда тайёрланмокда. Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда экологик таълимни мукамал тарзда ташкил этиш давр талабига айланди.

Экоэтик компетентликнинг туб маъноси – бу табиат ва жамият ўртасидаги узвийлик, уларни бир-бирларига боғловчи табиий ҳамда ижтимоий қонунларни ўрганиш, ҳаётга татбиқ қилиш йўли билан табиий барқарорликни сақлашдан иборат. Экологик таълим инсонга қуйидагиларни беради:

1. Инсоннинг табиат, атроф-муҳит, биосфера ҳақида тўлиқ тасавурини таркиб топтиради;
2. Фанларни чуқур ва кенгрок ўрганишларига ёрдам беради;
3. Табиат билан инсон орасида узвий боғланиш қонуниятлари мавжудлигини тушуниб етишларига кўмаклашади. Табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялайди;
4. Онгли равишда касб танлашларига шароит яратади.

Экоэтик компетентликнинг мазмуни, **биринчидан**, маълум миқдордаги экологик билимларни ўз ичига олган тизим ҳамма учун мажбурий бўлиб, унинг ихтисослиги қандай бўлишидан қатъий назар, зарурий миқдорда ҳамма билиши зарур, **иккинчидан**, экологияга оид айрим хусусий, чуқурлаштирилган билимларни эколог, агроном, техник, биолог, химик каби махсус мутахассислар ўрганишлари мақсадга мувофиқ. Экологик таълим умумий таълимнинг таркибий қисми бўлиб, узлуксиз характерга эга бўлиши керак. Экологик материаллар ҳар бир фан таркибида ортиқча вақт талаб этилмагани ҳолда ўқувчи ва талабаларга ўргатилиши, экологик маданиятни шакллантиришда бундай маълумотларни ўқувчи ва талабалар ёш хусусиятларига кўра тизимли етказиб беришни ташкил этилиши экологик маданият шаклланиши ва ривожига ижобий таъсир қилади.

Экоэтик билимлар мажмуаси оила (ота-она), боғча, маҳалла, бошланғич ва умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, турли мутахассисларни қайта тайёрлаш муассасалари ва шу каби институциялар орқали расмий ўқитилаётган билимлардан ташқари, халқ ҳаётига сингиб кетган табиатни кўриқлашга оид удум ва анъаналарни сингдиришнинг муҳим омиллари саналади. Бунда ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусияти мавжуд бўлиб, унда ўрганиладиган материаллар дидактиканинг умумий принциpidан четга чиқмаган ҳолда ўқувчиларга ўргатилиши зарур.

Экоэтик билимлар фанлараро боғланиш ва алоқадорликда амалга оширилиши зарур, чунки, **биринчидан**, экология фани барча фанлар мазмунини ўз ичига қамраб олади; **иккинчидан**, ўз навбатида барча фанлар экологияга оид материалларни ўзида мужассамлаштиради. Шу сабабли келажакда табиий фанларни бирлаштирувчи



интеграллашган экология курси вужудга келиши мумкин. Экологиядан интеграллашган курс ўқувчиларга бир бутун билимлар тизимини беради.

Экоэтик билимлар мазмун ва характери жиҳатидан: илмий, амалий, тарбиявий бўлади. *Илмий экологик* тушунчалар энг аввало: биология, химия, физика, математика, география, астрономия, кибернетика ва бошқа аниқ фанларини ўрганишда таркиб топади. *Амалий билимлар* эса: меҳнат, география, чизмачилик, табиий фанларнинг татбиқий билимларини ўрганишда амалга ошади. *Тарбиявий йўналиш*: меҳнат, эстетика ва бошқа фанларни ўрганишда шаклланади. Экологик таълим, асосан, умумий ўрта таълим тизимида ҳал этилади, чунки бу таълим жараёнида барча болалар билим оладилар. Кейинги босқичларда эса ёшлар таълим олишда табақалана боради. Олий ўқув юртларида талабаларга экологик таълим бериш ҳам икки хил йўл билан амалга ошади:

а) барча умумий таълим фанларини ўрганиш орқали;

б) махсус экология курсларини ўрганиш орқали.

Экоэтик билимлар – бу инсоннинг табиатга қадам қўйган вақтдан бошлаб, бутун ҳаёти давомида табиатдан онгли равишда фойдаланиш, психологик, ахлоқ-одоб юзасидан, халқимизнинг табиатга нисбатан ҳурмат-эътибор билан қарайдиган яхши урф-одатлари, удумлари асосида ёшларни тарбиялаш, уларда табиат, унинг хилма-хил бойликларига меҳр-муҳаббат уйғотиш, тежамкорликка ўргатиш, табиий бойликларни кўпайтириш, боғу-роғлар, гулзорлар ташкил қилишга ундаш, уларнинг қалбида яхши хислатлар уйғотишдан иборатдир.

Экоэтик билимларнинг мақсади - инсонни ўраб турган табиий муҳит ва унинг бойликларини биладиган, тежамкорлик билан фойдаланадиган, сақлайдиган, табиат бойлигига бойлик, гўзаллигига гўзаллик қўшадиган, ижтимоий ва табиий қонунларни биладиган билимдон шахсни етиштириш ва тарбиялашдан иборатдир. Шу билан бирга, экологик таълим тарбияни амалий фаолият билан қўшиб олиб бориш яхши самара беради. Халқимизда “кўчат эк, боғ қил”, “ўзинг кўкарай десанг дарахт кўкартир”, “бир туп тут эккан киши юз йил гавҳар теради”, “бирни кессанг, ўнни эк”, “яхшидан боғ қолади” каби ҳикматлар бежиз пайдо бўлмаган, бу ҳикматлар кишиларнинг экологик онгини қарор топтиришда муҳим роль ўйнайди.

Экоэтик билимларнинг асосий вазифаси инсонни табиат билан ва унда содир бўлаётган воқеалар билан қизиқтириш, инсон ва табиат ўртасидаги муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтириш, уларни ечиш йўллари, чора-тадбирларини топиш учун етарли экологик билимларга эга бўлган авлодни таркиб топтирган ҳолда атроф-муҳит муҳофазасини амалга оширишдир. Экоэтик билимларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- жамият ва табиатнинг ривожланиш қонунлари, улар ўртасидаги муносабатларни чуқур ўргатиш ва шу асосда замонавий фикрлай оладиган шахсни тарбиялаш;
- ижтимоий-иқтисодий режалаштириш ва ишлаб чиқариш кучларини йўналтиришда турли табиий ҳудудларнинг экологик ҳолатини биладиган ва келажакнинг экологик режасини тузадиган авлодни тарбиялаш;
- ҳар бир инсон, жамият ва жамият ичидаги турли гуруҳлар, тоифалар, синфларнинг ўзлари яшаб турган табиат, унинг бойликларини сақлашга хизмат қиладиган ёшларни етиштириш;



- жамият аъзоларига ўзларининг ижтимоий, маданий, диний қарашлари ва урф-одатларини бажаришда яшаб турган жой, водий, адирлар, тоғларнинг гўзаллиги, уларнинг инсон ҳаёти ва саломатлигидаги аҳамиятини тушунтириш, ёш авлодни табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш ишларини олиб боришдир.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда боғча тарбиячилари, мактаб ва ўқув юртлари ўқитувчилари таълим берилаётган ўқув предметларини тушунтиришда имкон қадар қизиқарли интерфаол таълим усулларида, турли ўйинлардан, кинофильмлардан фаол фойдаланишлари орқали ўзлари яшаб турган табиий воқелик ва экологик ҳолатларга боғлаб, таълим-тарбия ишларини олиб бориши керак [2; 408-409].

Ёшларни она Ватанга муҳаббат, унинг табиат инъомларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни кўз қорачиғидек сақлаш руҳида тарбиялаш - амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим қисмига айланиши лозимдир. Афсуски, республикамиз олийгоҳлари ўқув режаларида экологик фанларга ажратилган соатлар ҳажмини етарли деб бўлмайди. Бунинг устига айрим олийгоҳларда илгарилари ўқитилган “Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти” фани янги ўқув режасидан олиб ташланган. Ўзбекистонда экологик кескинликнинг жиддийлигини инобатга олиб, иқтисодий олийгоҳлар ва иқтисодий факультетлар ўқув режаларида «Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти» фанини тиклаш ҳамда «Иқтисодий ва социал экология» фанларини ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, инженер-эколог, химик-эколог, биолог-эколог мутахассислари билан биргаликда иқтисодчи-эколог ёки менеджер-эколог мутахассисларини тайёрлаш вақти аллақачон келган. Ёшларнинг экологик билимларини кенгайтириш, уларга бу йўналишда турли-туман замонавий билимлар бериш уларнинг экологик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Бунинг учун фақат таълим тизимида суяниб қолмай, бундай билимлар олишнинг бошқа воситаларига, жумладан матбуот саҳифалари орқали экологик маълумотлар беришга етарли эътибор берилиши керак. Вақти-вақти билан мамлакатимизнинг шаҳарлари, саноат корхоналари, атмосфера ҳавоси, сув манбалари, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ҳолатини, уларга етказиладиган зарарларни маълум даражада акс эттираётган экологик маълумотларни эълон қилиб турадиган бюллетенга ўхшаш махсус манбалар нашр этилса айни муддао бўлур эди. Бундай маълумотлар ёшларга, барча аҳолига у ёки бу ҳудудда экологик ҳолат қай тарзда ўзгариб бораётганини билдириб, айрим корхона раҳбарлари ва мутасадди раҳбарларни атроф-муҳитга келтираётган зарари тўғрисида маълум хулоса чиқаришига сабаб бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Расулева Г. С позиций социобиологии. // Экологический вестник. — 1999. - № 5-б. — С. 31-33.
2. Эргашев А., Эргашев Т. Экология, бисфера ва табиатни муҳофаза қилиш. Т.: “Янги авлод асри”, 2005, 408-409-бетлар.
3. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth’s intellectual culture. European science review , (7-8). 8.
4. Сиддиков, И. Б. (2019). Государственная политика в отношении молодежи в Узбекистане: национальны й опыт и реальная необходимость международных



инициатив. In Условия социально - экономического развития общества: история и современность (pp. 38 - 43).

5. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.7 Philosophical sciences).
6. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in Islamic teaching. International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences, 1(3), 79-86.